

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Т.03.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ БОТИР МЕЛИБАЕВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ
ИНФРАҚИЗИЛ КОНВЕКТИВ ҚУРИЛМА ЁРДАМИДА
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctoral philosophy (PhD)

Жумаев Ботир Мелибаевич

Мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш жараёнини инфрақизил
конвектив қурилма ёрдамида жадаллаштириш.....3

Жумаев Ботир Мелибаевич

Интенсификация процесса сушки плодоовощной продукции
с использованием инфракрасной конвективной установки21

Jumaev Botir Melibaevich

Intensification of the drying process of fruits and vegetables using
infrared convective equipment39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.Т.03.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАЕВ БОТИР МЕЛИБАЕВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ
ИНФРАҚИЗИЛ КОНВЕКТИВ ҚУРИЛМА ЁРДАМИДА
ЖАДАЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Т338 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.tdtu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Норқулова Карима Тўхтабаевна техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мухитдинов Джалалигдин Пахритдинович техника фанлари доктори, профессор Қурбонов Жамшед Мажидович техника фанлари доктори, профессор
Ётақчи ташкилот:	Бухоро муҳандислик-технология институти


Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли илмий кенгашнинг «9» 12 2020 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (179 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «27» 11 кун тарқатилди.
(2020 йил «19» 11 даги 1 - рақамли реестр баённомаси)




Н.Р. Юсуббеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик


У.Ф. Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Д.П. Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқийёсида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда АҚШ, Франция, Туркия, Германия, Украина, Россия каби ривожланган мамлакатларда мева ва сабзавотларни сифатли қуритиш учун комбинацион қуритиш қурилмалари ва технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги хом-ашёни қайта ишлаш, олинган маҳсулотларнинг ишлатилиш соҳасини кенгайтириш, экологик тоза ҳолатни таъминлаш, чиқиндисиз самарали технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида озиқ-овқат маҳсулотларини иссиқ ҳаво оқими, инфрақизил (ИК) нур ёрдамида қуритиш технологияси ҳамда қуритиш қурилмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тайёр маҳсулот сифатига қўйилган талаб меваларнинг шифобахш хусусиятлари ва биологик қимматини сақлаган ҳолда такомиллаштирилган, энергиятежамкор қурилмаларда қуритиш жараёнини тақозо этмоқда. Ўта юқори частота (ЎЮЧ) ёрдамида олма мевасини қуритиш учун энергия таъминоти технологик жараён қувватининг ортиши билан энергия тежашни сезиларли даражада таъминлаш, озиқ-овқат ва маҳсулотларини биологик қийматини максимал даражада тежашга имкон беради.

Республикамизда етиштирилаётган меваларни қайта ишлаш, улардан яримтайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш, маҳсулотларга сарфланадиган энергия ресурсларини тежаш, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи, ресурсларни тежовчи қуритиш технологияларни яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлатиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни, жумладан, қуруқ маҳсулотлар технологиялари ривожланишини энергия беришнинг ИҚ диапазонларидаги электромагнит тўлқинларни қўллаш орқали қуритиш усуллари билан бирлаштириш, энергияни иқтисод қилиш ва жараённинг давомийлигини камайтириш мақсадида намлик ва ҳароратнинг боғлиқлиги бўйича қуритиш, қуритилаётган хом ашё учун дастлабки ишлов беришнинг мақбул параметрларини қўллаш, ИҚ-қиздириш ва конвекция ёрдамида қуритиш жараёнини жадаллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш жараёни ва қайта ишлаш технологияси билан таъминланиши масалаларини ечиш бўйича хорижлик олимлардан М.Аkkurf, D.Vahrus, B. Bala, A.C.Гинзбург, А.В.Лыков, А.К.Атыханов, Б.Дж.Бабаев, В.В.Кафаров, В.В.Красников, С.Г.Ильясов, Б.С.Сажин, К.М.Хазимов ва бошқалар, мамлакатимиз олимларидан Н.Р.Юсупбеков, О.Ф.Сафаров, Ж.М.Қурбонов, А.А.Артиков, Х.С.Нурмухамедов, Дж.Н.Мухитдинов, Дж.П.Мухиддинов, Х.Ф.Джураев, Қ.О.Додаев ва бошқалар ўзларининг ҳиссаларини кўшишган.

Булар томонидан қуритиш жараёнининг назарий асослари ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қуритишнинг замонавий технологияларини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга жаҳонда қуритиш қурилмаларини ва технологияларни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инфрақизил нур орқали маҳсулотларни қуритиш; маҳсулотларни қуритиш усулларини такомиллаштириш (вакуум, конвектив, инфрақизил, ўта юқори частотали), қуритилган маҳсулот таркибидаги биофаол моддаларини сақлаб қолиш усулларини ишлаб чиқиш. Бироқ, мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш, технологик жараённи инфрақизил нур ва конвектив қурилма ёрдамида жараённи жадаллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-9-30 «Қуритиш орқали янги сифатга эга бўлган маҳсулотлар олиш» (2012-2014) ва ОТ–Атех-2018-363 – сонли «Энергия ресурстежамкор, экологик тоза, инфрақизил нурлар билан полиз маҳсулотларини қуритиш технологиясини ва техник воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади меваларни қуритишнинг юқори самарали ресурсини тежайдиган усулини яратиш ва уларни қуритиш жараёнини инфрақизил конвектив усулда жадаллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

меваларни қуритиш ва мавжуд бўлган қуритиш ускуналари конструкцияларининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

инфрақизил нур (ИҚ)- манбасининг қуритиш материали билан ўзаро таъсир жараёнини таҳлиллари асосида материалга самарали энергия узатиш тизимини яратиш;

қуритиш объекти ва нурлантириш манбаининг спектраль характеристикасини мослаштириш, материалнинг яқуний намлигига муҳим омилларнинг таъсирини математик моделлаштириш ва экспериментни режалаштириш назарияси ёрдамида баҳолаш;

ИҚ, ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ усулларини мева-сабзавотга дастлабки ишлов беришнинг мақбул режимини танлаш;

меваларга иссиқлик билан ишлов бериш натижасида маҳсулот таркибидаги биофаол моддаларнинг сақланиш даражасини ўрганиш;

меваларни қуритиш жараёни кинетикасини ўрганиш;

таклиф этилаётган қуритиш усулини ишлаб чиқариш саноатида синовдан ўтказиш, унинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: олма ва анжир.

Тадқиқотнинг предмети меваларни қуритиш қурилмаси ва қуритиш жараёнини жадаллаштиришнинг технологик параметрларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида тизимли таҳлил ва мураккаб техник ва технологик тизимларни синтезлаш услубиёти, технологик жараёнларни математик моделлаштириш усуллари қўлланилган, кимё ва озиқ-овқат технологиясининг назарий асосларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меваларни ИҚ-конвектив қуритишнинг математик модели ишлаб чиқилган;

қуритилаётган хомашё учун мақбул параметрлари ва дастлабки ишлов бериш параметрлари ишлаб чиқилган;

меваларни қуритиш жараёнини оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган;

энергияни иқтисод қилиш ва жараённинг давомийлигини камайтириш мақсадида намлик ва ҳароратнинг боғлиқлиги бўйича қуритиш усули ишлаб чиқилган;

қуритилган олма ва анжир таркибидаги витаминлар, қандлар ва оқсиллар миқдори анъанавий усулга нисбатан яхшироқ сақланганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олма ва анжирни қуритиш жараёнини жадаллаштиришга мос келадиган усул танлаб олинган;

олма ва анжирни қуритиш учун электр энергия сарфини 1,17 марта, қуритиш жараёнининг давомийлигини 1,2 марта камайтириш имкониятини берувчи қуритишнинг оптимал режимлари аниқланган;

олма ва анжирга иссиқлик билан ишлов бериш натижасида маҳсулот таркибидаги витаминлари, қандлари ва органолептик кўрсаткичлари аниқланган;

олма ва анжирга дастлабки ишлов беришнинг мақбул режимлари танланган;

куритиладиган объектларга дастлабки ишлов бериш оптимал параметрлари ва режимлари шакллантирилган;

куритиш жараёнини математик моделлаштириш ва экспериментни режалаштириш назарияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик моделлаштириш жараёни учун бошланғич тажриба натижаларини олинганлиги ва натижаларни юқори аниқликда ўлчаш асбоблари ёрдамида олинганлиги, MATLAB 6.5, STATISTICA 6.0, Windows XP, Microsoft Excel каби замонавий операцион мухитлар ёрдамида компьютерда моделлаштирилганлиги, математик моделларнинг аниқлиги ва кўрилаётган соҳа бўйича уларни баҳолаш мезонларининг айнан бир хиллиги, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ҳамда лаборатория шароитида олинган натижаларни тажриба-саноат тадқиқотларида фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти функционал ва структурали белгилари асосида самарали усулни тузиш ва берилган усуллар бўйича мева-сабзавот хом ашёсини куритишнинг рационал технологиясини морфологик таҳлил қилиш, ИҚ-қиздириш ва конвекция ёрдамида куритиш жараёнини жадаллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ИҚ, ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ усулларини мева-сабзавотга дастлабки ишлов беришнинг мақбул режимини танлаш, куритиш жараёнининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашга, қайта ишлаш жараёнида хом ашёни йўқотилишини камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меваларни куритиш жараёнини инфрақизил конвектив қурилма ёрдамида жадаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мева-сабзавот маҳсулотларини куритиш технологияси «GOLD DRIED FRUITS EXPORT» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзбекозиқовкатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 22 февралдаги АК/11-2-295-сон маълумотномаси). Натижада, олма ва анжир маҳсулотларини куритиш учун электр энергия сарфини 1,17 марта, куритиш жараёнининг давомийлигини 1,2 марта камайтириш имконини берган;

меваларни куритиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича IX Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида «Усманов Жаҳонгир Сайдалиевич» ДХ билан хўжалик шартномаси тузилган (2016 йил 13 майда 15/16-рақам билан рўйхатга олинган). Натижада, мева-сабзавот маҳсулотларини таркибидаги биофаол моддалари 90-95% сақланган маҳсулот олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 9 та мақола, шундан 7 таси хорижий журналларда, 2 таси республика журналларида чоп этилган, 1 та фойдали модел учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиёт рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий қисми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мева маҳсулотларини қуритиш жараёнининг назария ва амалиётдаги замонавий ҳолати ва истиқболи**» номли биринчи бобида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболи таҳлил қилинган. Мева-сабзавот маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш жараёнини жадаллаштириш, уларни математик моделлаштиришга, ҳисоблаш ва лойиҳалашга бағишланган илмий адабиётлар аналитик таҳлил қилинган.

Мамлакат агросаноат комплексига қўлланилаётган қуритиш қурилмалари конструкциялари, қуритиш усуллари таҳлил қилиниб, ҳозирги муаммолар аниқланган, мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш жараёнини жадаллаштириш режалаштирилган. Бобдаги мавжуд материал таҳлили асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**ИҚ-қуритишда иссиқлик ва масса алмашинувининг математик модели ва тадқиқот ўтказишнинг услубияти**» номли иккинчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш жараёнини жадаллаштириш, тадқиқот ўтказиш объектлари, шартлари, қурилмалари ва услублари келтирилган.

Қуритилган материалнинг сифати маълум даражада қуритиш объектига берилган иссиқлик миқдори ва таъсир вақтига боғлиқ бўлади. Бунда қуритиш жараёни самарадорлиги иссиқлик бериш усули ва ушбу материални қиздириш ва ундан намликни буғлатиш учун сарфланган иссиқлик миқдори нисбати билан аниқланади. ИҚ-манбадан материалга бериладиган иссиқлик миқдори Стефан-Больцман қонуни бўйича, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = \iint_F 5,67 C_{\text{дар}} \left[\left(\frac{T_u}{100} \right)^4 - \left(\frac{T_m}{100} \right)^4 \right] dF, \quad (1)$$

бунда $C_{\text{дар}}$ –нурлатгич ва материалнинг қорайиш даражаси; 5,67–Стефан-Больцман доимийси, Вт/м²·К⁴; T_u, T_m –нурлатгич ва материалнинг абсолют ҳарорати, К, dF – материалнинг қизиш юзаси майдони.

Интеграллашган тенглама (1) юза F (m^2) бўйича ўтказилади. Ҳосил бўлувчи иссиқлик қисман материални қиздириш, намликни буғлатиш учун сарфланади, иссиқлик атропо муҳитга йўқотилади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$Q = \iiint_V C\gamma \left(\frac{dt}{d\tau}\right) dV + r_T M \left(\frac{du}{d\tau}\right) + \iint_F \alpha(t_m - t_0) dF, \quad (2)$$

бунда C – қуритиш материалнинг иссиқлик сифими, $kJ/kg^{\circ}C$; γ – материал зичлиги, kg/m^3 ; r_T – материалдан намликнинг буғланиш иссиқлиги, kJ/kg ; α – материални атропо муҳит билан конвектив иссиқлик алмашилиш коэффициентини, $kJ/m^2 \cdot ^{\circ}C \cdot c$; M – қуритилаётган материал массаси, kg ; t_m , t_0 – материал ва атропо муҳит ҳарорати, $^{\circ}C$; dt – вақт оралиғида dr материал ҳароратининг чексиз кичик ортиши.

Иссиқлик алмашилиш тенгламалардаги K_{λ} коэффициентини бошқарилувчи фактор ҳисобланади. ИҚ-нурланиш материалга максимал кириши учун $K_{\lambda}=1,0$ га тенг бўлиши керак. Агар бунда $\lambda_{max}=\lambda_m$ тенгликка эга бўлса эришиш мумкин, бунга Вин қонуни бўйича мос келувчи ИҚ-манба ҳароратини танлаш йўли билан эришилади.

Қуритилаётган материалнинг намлик ўтказувчанлигини таҳлилий кўриб чиқишни давом эттираемиз. Бир ўлчамли вазифа учун, намлик тутиш ва ҳарорат градиентлари мос равишда қуйидагича ҳосилалар кўринишида ифодаланиши мумкин:

$$grad \cdot u = \frac{\partial u}{\partial x}; grad \cdot t = \frac{\partial t}{\partial x} \quad (3)$$

ва давоми

$$\frac{\partial i_x}{\partial x} = -\gamma_0 \frac{\partial u}{\partial \tau}. \quad (4)$$

Тенгламани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$i = -\alpha_m \gamma_0 \left(\frac{\partial u}{\partial x} + \delta' \frac{\partial t}{\partial x}\right) \quad (5)$$

Ушбу тенгламани x бўйича дифференциаллаб, қуйидагини оламиз:

$$\frac{\partial i}{\partial \tau} = -\alpha_m \gamma_0 \left(\frac{\partial^2 u}{\partial \tau^2} + \delta' \frac{\partial^2 t}{\partial x^2}\right) \quad (6)$$

Агар (4) ва (6) тенгламаларни биргаликда ўзгартирилса, юқорида келтирилган шартлар учун намлик кўчиши дифференциал тенгламасининг охириги кўриниши қуйидагича кўринишда ёзилади:

$$\frac{\partial u}{\partial \tau} = \alpha_m \left(\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \delta' \frac{\partial^2 t}{\partial x^2}\right) \quad (7)$$

Ушбу дифференциал тенглама материални конвекция билан инфрақизил қуритишда намликнинг моляр ва молекуляр кўчиш тезлигини ифодалайди. У материалнинг индивидуал потенциал ўтказувчанлиги α_m га боғлиқ бўлади, шунингдек μ термо намлик ўтказувчанлик коэффициентини градиентига δ' боғлиқ бўлади, унинг экстремуми вақт оралиғидаги термо таъсир τ_{um} орқали аниқланади, бу тажриба вазифаси ҳисобланади.

Қуритиш объекти сифатига тайёрлаш технологик опрециялари таъсир қилади: тўғраш шакли ва олдиндан иссиқлик билан ишлов бериш вақти.

Анжир ва олмани қуритишга тайёрлашда турли шаклдаги бўлакчаларга тўғралади: устунча, доира, кубик ва паррак. Бўлакларнинг шакли ва ўлчами

қуритиш тезлигига, шунингдек қуритиш қурилмаси самарали ишлашига яхши таъсир қилади. Маҳсулот бўлаклари қалинлиги камайтирилиши билан сувсизланиш вақти қисқаради ва ишлов беришда қуритилган маҳсулот тикланиш вақти тезлашади.

Агар маҳсулот майда тўғралган бўлса, юза қисмидаги қотиш паст даражада бўлади.

Қуритиш жараёнини интенсивлаштириш қуритилган маҳсулот сифатини яхшилашга ва витаминлар ҳамда бошқа қимматли озуқавий моддалар йўқолишини пасайтиришга хизмат қилади. Бироқ бўлаklarнинг қалинлиги маълум катталиқкача камайтирилиши мумкин (2 мм), чунки ундан ҳам ингичка тўғралса, кўп миқдорда мева парчалари ҳосил бўлади.

Қуритилган маҳсулотларнинг кубиксимон ва паррак шаклида тўғралгани афзал, чунки бундай маҳсулот аралашмаларда яхши аралашади, автоматларда юмшоқ қадоқларга яхши жойланади ва чиройли кўринишга эга бўлади.

Тўғралган хомашёда майда бўлаklar миқдори 5-8% дан кўп бўлмаслиги керак. Майда бўлаklarнинг кўпайиши қуритиш шароитини ёмонлаштиради ва ортиқча йўқотишларга сабаб бўлади, чунки қуритилган стандарт маҳсулот чиқиши камаёди ва хомашё сарфи ошади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, агар дастлабки ишлов беришда ИҚ-қиздириш қўлланилса, бланширлашга эҳтиёж бўлмайди. Хажмий ва чуқур ИҚ-қиздириш қуритишнинг биринчи босқичида маҳсулот зарралари ичида етарлича юқори ҳарорат (70-80°C) ҳосил қилади. Бундай ҳароратнинг ўзи бланширлаш таъсирини беради. Қуритиш вақти қисқариши билан, маҳсулот ичидаги ҳарорат ҳам пасаяди ва керакли ҳолатигача қурийд.

Биз томондан қишлоқ-хўжалик маҳсулотларига олдиндан ишлов бериш учун такомиллаштирилган қурилма қўлланилди.


1-расмда ИҚ-диапазондаги электр майдонда меваларга дастлабки ишлов бериш қурилмаси кўрсатилган. Ишчи камера 1 экраннинг вертикал текислигида винт ёрдамида ҳаракатланувчи химояланган корпус 2 кўринишда ишланган. Ишчи камерадаги экранга қувурсимон КГ-220-1000 маркали ИҚ-нурланиш 8 манбаи тўплами ўрнатилган. Қурилма токка шит 9 орқали уланади, камера ИҚ-нурларни қайтариш учун алюмин фалга билан тўсилган, қурилма хом ашё намунаси 7 ҳароратини ўлчаш учун электрон потенциометр билан жихозланган, камерага хромель-капель термо жуфтлик потенциометри киритилган, намуна тарози 5 товоқларида (поддон) 6 жойлаштирилади, материалдаги намлик пасайишини қурилма қайд қилиб боради. Товоқ баландлиги бўйича ростлагич ўрнатилади.

Тажрибада маҳсулот юзаси ва лампалар орасидаги масофа лампалар ўрнатилган экранни винт ёрдамида ҳаракатлантириш эвазига 100-200 мм диапазонда ўзгартириб кўрилди.

Нурлатгичларни қиздириш ҳарорати кучланишни ўзгартириш билан назорат қилинади. ИҚ-нурлатгич томонидан ҳосил бўлган маҳсулот ҳарорати хромель-капель термоэлектрик ўзгартирувчилар ёрдамида ўлчанади ва ўзи ёзувчи КСП-4 типдаги электрон потенциометрда қайд қилинади.

Дастлабки иссиқлик билан ишлов беришни танлаш консерва ва қуритиш

саноатида бажарилган изланишларга асосланади. Меваларни қуритишда терморрадиацион усулларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш қуритилган маҳсулотлар сифатини ошириш ва уларни ишлаб чиқаришда энергия тежаш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



1-ишчи камера; 2-корпус; 3-ИК лампалар; 4-керамик трубкада изоляцияланиб копланган спираль; 5-тарози; 6-поддон; 7-хом ашё; 8-ИК-лампа ни кушиш ва ажратиш учун пульт; 9-қурилмани кушиш ва ажратиш учун бошқариш пульти

1-расм. Экспериментал дастлабқи ишлов бериш қурилмаси

Биз томондан ишлаб чиқилган дастлабқи ишлов беришли конвектив қуритиш доимий қуритиш тезлиги босқичида конвектив энергия бериш жараёни ва қуритиш тезлиги пасайиш босқичида ИҚ-энергия беришни ўз ичига олади.

Тадқиқотлар шу мақсад учун яратилган қурилмада махсус ўтказилди, қурилмада 500 Вт қувватли ИҚ-лампа лар (2 дона), термометр, барометр ва вакуум компрессор мавжуд. Тадқиқот комплекси ИҚ-нурланишни катта қувватда 90 с давомида дастлабқи ишлов бериш учун алоҳида ёқиш, қуритиш параметрлари ва режимларини ўзгартириш имконини беради. Тадқиқот параметрлари 1-жадвалда келтирилган.

Юзадаги иссиқлик оқими зичлиги ИПП-2 ўлчаш блоқи орқали ГОСТ 25380-92 бўйича ўлчанди.

1-жадвал

Дастлабқи ишлов бериш параметрлари

Жараён параметрлари	Олдиндан ишлов бериш турлари		
	ИҚ	СВЧ	ИҚ+СВЧ
Манба қуввати	1 кВт	1 кВт	1+1 кВт
Иссиқлик оқими зичлиги	25-30 кВт/м ²	25-30 кВт/м ²	25-30 кВт/м ²
Ишлов бериш давомийлиги	90 с(45x60x45)	90 с(45x60x45)	45 с/ 45 с(45x60x45)

Меваларни ИҚ-конвектив усулда узлуксиз қуритиш учун экспериментал қуритиш ускуна конструкцияси ишлаб чиқилди (2-расм).


Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқот ўтказиш, натижаларни қайта ишлаш ва қуритиш жараёнини оптималлаштириш услубияти**» номли учинчи бобида меваларни конвектив қуритиш жараёнининг тажрибавий-статистик математик модели бўйича олинган натижалар келтирилган.

Тажрибаларни режалаштириш ҳар бир k фактор учун икки даражада амалга оширилди, тўлиқ факторли тажриба ёки 2^k режа амалга оширилди. Ушбу технологик параметр бўйича соҳани ўрганиш чегарасини факторлар даражаси белгилайди. Бизнинг ҳолатда чиқувчи параметрга $W_{ост}$ (мевадаги қолдиқ намлик) учта катталиқ таъсир ўтказди: t_b – намуна юзасининг ҳарорати (70-80-90⁰С диапазонида); δ - намуна қалинлиги; W_n – мева бўлақларининг бошланғич намлиги (анжир 87-88%, олма 85-86%).

Регрессия коэффициентларини аниқлаб, тўлиқ регрессия тенгламаси олинган:

$$Y_{анжир} = 2,43 - 0,69x_1 + 0,46x_2 - 0,335x_3 - 0,255x_1x_2 - 0,23x_1x_3 - 0,245x_2x_3 - 0,035x_1x_2x_3$$

$$Y_{олма} = 2,996 - 0,3x_1 + 0,66x_2 - 0,16x_3 - 0,114x_1x_2 - 0,181x_1x_3 + 0,221x_2x_3 - 0,156x_1x_2x_3$$



1-камера; 2-поддон; 3-ИҚ-лампарлар; 4-психрометр; 5-вентиляциян труба; 6-вентилятор; 7-бошқарув блоки; 8-манометр.

2-расм. Меваларни қуритишда экспериментал ускуна

Қуритилган маҳсулотдаги қолдиқ намликнинг экспериментал кўрсаткичлари ўртача квадратик оғиши ҳисоблардан қуйидагини ташкил қилади:

$$\sigma_{\text{анжир}} = \frac{100}{\Delta W_{\text{max}}^2 - \Delta W_{\text{min}}^2} \cdot \sqrt{\frac{\sum \Delta W^2(Y)}{n}} = \frac{100}{26,4^2 - 16,4^2} \cdot \sqrt{\frac{2,79^2 + 1,1^2 + 1,82^2 + 1,25^2 + 4,15^2 + 3,52^2 + 2,3^2 + 2,51^2}{8}} = 0,61\%;$$

$$\sigma_{\text{олма}} = \frac{100}{\Delta W_{\text{max}}^2 - \Delta W_{\text{min}}^2} \cdot \sqrt{\frac{\sum \Delta W^2(Y)}{n}} = \frac{100}{25,4^2 - 23,4^2} \cdot \sqrt{\frac{1,26^2 + 0,71^2 + 2,94^2 + 2,13^2 + 1,42^2 + 2,22^2 + 3,27^2 + 2,56^2}{8}} = 2,26\%.$$

бунда ΔW_{max} -буғланган намликнинг максимал катталиги, ҳисоблаш йўли билан аниқланган, %; ΔW_{min} – буғланган намликнинг минимал катталиги, %; n – тажрибалар сони.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, назарий ва тажриба кўрсаткичлари ўзаро етарлича аниқликда мос келади.

Тузилган режани амалга ошириш натижасида, дастлабки ишлов бериш ва намуна қалинлигига боғлиқ ҳолда компонентларни қуритиш кинетикаси эгри чизиғи кўринишида маълумотлар олинди. Тажрибалар натижаларига

кўра, дастлабки ИҚ-ишлов беришли конвектив қуритишдаги қуритиш компонентлари эгри чизиқлари олинди.

Олинган тажриба натижаларининг ҳақиқийлиги, Кохрен ва Фишер критериялари билан баҳоланиб тасдиқланди.

Олинган регрессия тенгламаси озуқа маҳсулотлари компонентларини комбинацияланган усулда қуритиш жараёнини тавсифлайди (ИҚ-конвектив қуритиш) ва сўнгги намликкача жараён вақти кўрсаткичини ҳисоблаш ва қуритиш коэффиценти K ни $\pm 5\%$ хатолик билан, тадқиқот ўтказилган жараён параметрлари ўзгариши чегарасида ҳисоблаш имконини беради.

Тажриба натижалари таҳлили шуни кўрсатади, ИҚ-нурлар импульси зичлиги q , юкланиш σ ва ишчи камера ҳарорати t_e нинг максимал кўрсаткичларини қуллашда нотекис қурийд, минимал кўрсаткичларида эса маҳсулот яхши қуримайди.

Қиздириш ва инфрақизил нурлар билан қуритиш самарадорлиги нурлатиш манбаи ва нурланаётган материал орасидаги нурли иссиқлик алмашилиш интенсивлигига боғлиқ бўлади.

Қуруқ модда миқдори энг кўп бўлган етакчи навлар: анжир нави – қора қрим, сариқ далмат, абхаз; олма нави – беш юлдуз, голден, семеринка.


Биргаликдаги кўрсаткичларга кўра қуритиш учун энг яхши турлар: инжира нави – қора қрим, сариқ далмат, абхаз; олма нави – голден.

Хомашё навлари кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

Қуритиш учун мўлжалланган хомашёларнинг кимёвий таркиби

Маҳсулот нави номланиши	Товар ҳосилдорлиги, ц/га	Таркиби		
		Қуруқ модда, %	Қанд, %	Витамин С, мг/%
Олма:				
Бешюлдуз	411,5	22,4	1,5	20
Голден	337	23,1	2	19,7
Семеринка	335,5	23,4	1,7	20
Анжир:				
Қора қрим	404	8,9	6,3	4,84
Сариқдалмат	402,5	13,3	6,9	4,83
Абхаз	264,5	10,9	6,5	3,95

Анжир намуналарини қуритиш жараёнида намликнинг массавий улуши ўзгариши хусусияти (3-расм), анжир намуналарини қуритиш жараёнида намлик миқдори ўзгаришига нисбатан фарқланади.




3-расм. Қуритилаётган анжир намунасидаги қолдиқ намликнинг қуритиш вақтига боғлиқ ҳолда миқдори графиги (қора қрим, тўғраш шакли - паррак)

Дастлабки ишлов беришсиз қуритишда, маҳсулотдаги намлик миқдори нормаллашган ҳолатга 180 мин қуритиш жараёни давомида келишига қарамасдан, қолдиқ намлик миқдори 19,50% ни ташкил қилди ва бошқа исталган дастлабки ишлов бериш усулидан паст кўрсаткич бўлади.

Анжир намунасига ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов бериб, ИҚ-конвектив қуритишда намуналарни 180 мин давомида қуритиш етарли бўлади (намуналардаги қолдиқ намлик миқдори 13,58% ни ташкил этди), ЎЮЧ қиздириш орқали дастлабки ишлов бериб, ИҚ-конвектив қуритишда намуналарни 180 мин давомида қуритиш етарли бўлади, лекин қуритиш даври тугаши билан маҳсулотдаги қолдиқ масса улуши юқори ва 17,21% ни ташкил қилади, ИҚ-ЎЮЧ диапазонидаги электромагнит майдони таъсирида дастлабки ишлов беришни қўллашда қолдиқ масса улуши 15,39% ни ташкил қилади.

4-расмда олма намунасидаги қолдиқ намлик масса улушининг дастлабки

ишлов беришсиз, барча уч хил дастлабки ишлов беришдаги ва конвектив қуритишдаги таҳлили келтирилган. Қуритиш қолдиқ намлик масса улуши стандарт талабларига тўғри келадиган (14%дан ошмаган) кўрсаткичга давом эттирилди, дастлабки ишлов бериш 90 с давомида – 45с – 60с – 45с режимида, асосий жараён – конвектив қуритиш 180 мин давом эттирилди (80°C ҳароратда, ҳаво тезлиги 3м/с).



4-расм. Қуритилаётган олма намунасидаги қолдиқ намликнинг қуритиш вақтига боғлиқ ҳолда миқдори графиги (беш юлдуз, тўғраш шакли - паррак)


Олма намунасига ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов бериб, ИҚ-конвектив қуритишда намуналарни 180 мин давомида қуритиш етарли бўлади (намуналардаги қолдиқ намлик миқдори 13,24% ни ташкил этди), ЎЮЧ қиздириш орқали дастлабки ишлов бериб, ИҚ-конвектив қуритишда намуналарни 180 мин давомида қуритиш етарли бўлади, лекин қуритиш даври тугаши билан маҳсулотдаги қолдиқ масса улуши юқори ва 16,21% ни ташкил қилади, ИҚ-ЎЮЧ диапазонидаги электромагнит майдони таъсирида дастлабки ишлов беришни қўллашда қолдиқ масса улуши 14,92% ни ташкил қилади.

Графиклар таҳлили шуни кўрсатади, ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ диапазонидаги электромагнит майдонида дастлабки ишлов беришни қўллаб қуритишда қолдиқ намлик мувофиқ равишда 16,21% ва 14,92% ни ташкил этди, бу усуллар юқори қувватли ИҚ-нурли дастлабки ишлов беришни қўллаб қуритишдан паст кўрсаткични бермоқда, намунадаги қолдиқ намлик минимал 13,24% бўлади.


Юқорида келтирилган таҳлиллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов беришда ИҚ-конвектив қуритиш энг мақбул усулигидир.

5-6-расмларда қуритиш кинетикаси эгри чизиқлари келтирилган: дастлабки ишлов беришсиз конвектив қуритиш ва барча уч турдаги дастлабки ишлов беришни қўллаб қуритиш усуллари учун, анжир ва олма намуналарини

қуритиш тезлигини материалнинг намлигининг қуритиш камерасида 80°C ҳароратга боғлиқ холда ўзгариши келтирилган.



5-расм. Қуритилаётган анжир намунасидаги қолдиқ намликнинг қуритиш тезлигига боғлиқ холда миқдори графиги (сарик далмат, тўғраш шакли - паррак)




6-расм. Қуритилаётган олма намунасидаги қолдиқ намликнинг қуритиш тезлигига боғлиқ холда миқдори графиги (голден, тўғраш шакли - паррак)

Биринчи тур чегара шартлари билан ФИКнинг диффузион моделига кўра қуритиш кинетикасини ўрганишга қаратилган экспериментал маълумотларни қайта ишлаш шуни кўрсатади, бутун қуритиш даврида киритилган намлик диффузияси коэффицентининг зарралар ўлчамини аниқловчи квадратига муносабатининг катталиги $0,003 \text{ мин}^{-1}$ ташкил қилади.

Учинчи тур чегара шартлари билан диффузия модели ёрдамида қуритиш эгри чизикларини қайта ишлаш шуни тасдиқлайди (Био коэффиенти катталиги тахминан 0,1), синалаётган терморрадиацион қуритиш технологияларини қўллашда жараён ананавий ички диффузиядан ташқи диффузия шаклига ўтади. Қуритилган маҳсулотнинг кимёвий таркиби “Юқори технологиялар ўқув-тажриба маркази”нинг лабораториясида таҳлил қилинган.

Анжирни ИҚ дастлабки ишлов бериш билан конвектив қуритиш усули 180 минутдан сўнг, максимал миқдорда моно- ва дисахаридлар сақланган тайёр маҳсулот олиш имкониятини берган ва 66,3% ни ташкил қилади. Дастлабки ишлов бериш билан ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ қўллаб қуритишда олинган қуритилган анжир намуналаридаги қанд масса улуши 59,9% ва 62,4%-ни ташкил қилади, шунингдек дастлабки ишлов берилмасдан қуритишда 56,2%-ни ташкил қилади. 7-расмда эгри чизиклари келтирилган.

Количественная характеристика изменения массовой доли сахаров в образцах сушеного инжира




7-расм. Қуритилган анжир намунасидаги қанд масса улушининг қуритиш вақтига боғлиқ холдаги миқдори графиги (тўғраш шакли - паррак)

Қуритилган анжир намуналаридаги қанднинг массавий улуши кўрсаткичларини ўзгаришининг таҳлили натижалари, ИҚ-диапазондаги электромагнит майдонда дастлабки ишлов бериш билан ИҚ-конвектив қуритишнинг афзаллигидан далолат беради.

Графикдан кўринадик, олма намуналарида энг кўп қанд концентрацияси 180 мин давомида ИҚ дастлабки ишлов бериш билан қуритишда бўлади ва 57% ни ташкил қилади. ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ электромагнит майдонда дастлабки ишлов бериб 180 мин давомида қуритилганда қанднинг массавий улуши мувофиқ равишда 51,9 ва 53,3% -ни ташкил қилади.

8-расмда дастлабки ишлов беришсиз ва барча уч дастлабки ишлов бериш усулини қўллаб, ИҚ-конвектив қуритишда олма намуналаридаги қанд миқдорининг ўзгариши келтирилган.



8-расм. Қуритилган олма намуналаридаги қанд масса үлүшининг вақтга боғлиқ холда ўзгариш графиги тўғраш шакли – ярим халқа

Дастлабки ишлов беришсиз 180 мин давомида қуритилганда қанднинг массавий улуши 50,5%-ни ташкил этади. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, олмага ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов бериб қуритишда, қуритиш учун кетган вақт тахминан 12 минга қисқаради ва энергия сарфи тежаллади. Графикда келтирилган маълумотларга кўра қуйидагича хулоса қилиш мумкин, ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов беришбилан қуритилган олма намуналарида қанд йўқолиши энг кам миқдорни ташкил қилди. Олма ва анжирни қуритиш билан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатади, ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов бериш билан қуритиш энг самарали усулдир.

Кўрилган тўртта вариантдан энг оптимал технологияни танлаш керак. Кўриладиган технология икки босқичини ўз ичига олади: А, В. Олинган натижани F деб белгилаймиз. Буни математик қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A+B = F_1, \quad (9)$$

бунда А – материални қуритишга тайёрлаш жараёни; В – қуритиш жараёни (ИҚ-вакуум қуритиш).

Ушбу схемага олдиндан ишлов бериш С ни қўшамиз. С материални ИҚ диапазонида импульсли энергия бериш билан қиска муддатли ишлов беришни ўзида акс эттиради (мос равишда Е-ЎЮЧ диапазонидаги электромагнит майдонда олдиндан ишлов бериш, СЕ- ИҚ-ЎЮЧ диапазонидаги электромагнит майдонда олдиндан ишлов бериш). Шунда қуритиш жараёни учун яна 3 хил технологияни оламиз: $A+C+B = F_2$, $A+E+B = F_3$, $A+CE+B = F_4$.

Агар барча холатлар учун жараёнлар $A = \text{const}$ ва $B = \text{const}$ бўлса, унда натижадан келиб чиққан холда ва фақат битта критерия, яни маҳсулот сифатини қўйиб оптимал технологияни танлашга тўғри келади.

Танланган маҳсулотларни қуритиш жараёнини оптималлаштириш учун энг оддий усул – солиштириш усулини қўллаб, энг оптимал усул иккинчи усул деб топилди ва ИҚ қиздириш деб белгиланди. Бу ИҚ-диапазонидаги электр

майдонда олдиндан ишлов бериш билан қуритиш усули бўлди.

Солиштириш таҳлили учун 180 мин давомида ИҚ, ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ диапазонли электромагнит майдонда дастлабки ишлов бериб қуритилган ва дастлабки ишлов беришсиз ИҚ-конвектив қуритгичда қуритилган маҳсулотларнинг намлик масса улуши ва қандлар сақланишинг энг оптимал кўрсаткичли намуналари танлаб олинди.

Анжирни қуритишда олинган тажриба натижалари 3-жадвал

Олинган натижалар	Қолдиқ намлик %	Шакар %
Дастлабки ишлов бериш	21,1	49,6
ИҚ нур қиздириш	13,8	72,3
ЎЮЧ қиздириш	20,9	61,6
ИҚ-ЎЮЧ	18,9	61,2

3-жадвалда анжирнинг органолептик кўрсаткичлари – ташқи кўриниши, ранги ва консистенциясини ўрганиш натижалари кўрсатилган. Жадвалдаги маълумотлар дастлабки ишлов бериш билан ИҚ-қуритишнинг афзаллигини тасдиқламоқда.

Диссертациянинг «**Инфрақизил ва конвектив усулда қуритишда дастлабки ишлов беришни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги**» номли тўртинчи бобида ишлаб чиқилган қуритиш усулининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш келтирилган.

Қуритиш жараёнларини солиштириб ўрганиш жараёнида тажриба мақсади учун, ишлов беришнинг бир текислиги энг катта ахамиятга эга бўлади, унга 0,20 оғирлиги берилган, ташқи кўриниш ва консистенцияга 0,15 оғирлиги ва зарарлантиришга 0,14 оғирлик берилади. Уларга энг катта оғирлик катталиклари берилди, бунда истемолчилар томонидан қабул қилинадиган товар сифатига энг катта таъсир кўрсатиш даражасига қаралди. Юмшоқлиги ва материалнинг бутунлиги каби хусусиятлар энг кичик кўрсаткич олди. Ҳар бир критериянинг тўлиқ тақсимооти 4-жадвалда кўрсатилган.

Мезонлар салмоғи коэффицентлари 4-жадвал

№	Хусусият	Мезон салмоғи %
1.	Зарарсизлиги	0,14
2.	Маҳсулотга ишлов беришнинг бир текислиги	0,2
3.	Қуритилган маҳсулотларнинг бутунлиги	0,05
4.	Намликнинг массавий улуши	0,17
5.	Шакарларнинг массавий улуши	0,16
6.	Юмшоқлиги	0,04
7.	Ташқи кўриниш ва консистенция	0,15
8.	Ранг бирлиги	0,09
	Жами	1

Қўлланилган усулнинг яқунловчи босқичи, алтернатив қуритиш технологиялари сифат кўрсаткичлари қийматларини ҳисоблаш бўлади.

Дастлабки ишлов бериш усуллари хусусиятлари 5-жадвал

№	Кўрсаткич номланиши	Дастлабки ишловсиз	ИҚ қиздириш	ЎЮЧ қиздириш	ИҚ-ЎЮЧ
1.	Энергия сифими, кВт/с	60	50	56	54
2.	Вақт, с	6	5	5	5

3.	Энергия сарфи	360	250	280	270
4.	Электроэнергия нархи	1	1	1	1
5.	Хомашёга харажат	10	10	10	10
6.	Таннархи	370	260	290	280

5-жадвалдан, энг кўп харажат ИҚ-ЎЮЧ олдиндан ишлов бериш усулига, энг хамёнбоб усул ЎЮЧ га сарфланади. ИҚ қиздириш билан олдиндан ишлов бериш кўп харажатли ҳисобланади, лекин ушбу ҳисоб-китобда олинган маҳсулот сифати фактори ҳисобга олинмаганва ўз навбатида товарнинг сифат-нарх категориясини белгилашда хал қилувчи ролни ўйнайди.

ХУЛОСА

1. ИҚ-конвектив қуритишнинг математик модели тузилган. Иссиқлик градиенти μ , материалга вақтинча циклик иссиқлик ε таъсирининг нибати билан аниқланди: $\tau_{иқ}$ – инфрақизил қиздириш, τ_0 – ҳаво оқим ва хом ашёнинг берилган коэффицентини оптимизациялаш йўли билан экспериментал изохланади.

2. Тажриба асосида дастлабки ишлов бериш билан қуритишда (каскад қуритиш) жараён тезлашиши тасдиқланди, айнан қисқа муддатли ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов беришни қўллашдаги анжир намлиги – 13,58%, олма намлиги – 13,24% ни ташкил қилди. ЎЮЧ ишлов беришни қўллашда сўнгги намлик анжирда 17,21%, олмада 16,21%ни ташкил қилди. Бирлашган ИҚ-ЎЮЧ ишлов беришни қўллашда сўнгги намлик анжирда 15,39%, олмада 14,92%ни ташкил қилди.

3. Анъанавий қуритиш усулида қуритилган меваларга нисбатан меваларнинг сифати қандларнинг -15% гача сақланиши ҳисобига яхшиланди, маҳсулот органолептик кўрсаткичлари яхшиланди.

4. Анжирни ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов бериш билан 180 мин давомида ИҚ-конвектив қуритишда максимал – 66,3% қандлар сақланган тайёр маҳсулот олиниши тадқиқотларда тасдиқланди. ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ дастлабки ишлов бериш билан қуритилган анжир намуналаридаги қандлар масса улуши 59,9% ва 62,4% ни ташкил қилди, шунингдек дастлабки ишлов беришсиз 56,2% ни ташкил қилди.

5. Дастлабки ишлов беришсиз, шунингдек ИҚ, ЎЮЧ, ИҚ-ЎЮЧ дастлабки ишлов бериш билан олмани қуритиш жараёнини ўрганиш натижалари олинди. Олмадаги энг кўп миқдорда қанд сақланиши ИҚ-қиздириш орқали дастлабки ишлов берини қўллаб 180 мин давомида қуритишда кузатилди ва 57,0%ни ташкил қилди. ЎЮЧ ва ИҚ-ЎЮЧ электромагнит майдонда дастлабки ишлов бериб 180 мин давомида қуритилганда қанднинг массавий улуши мувофиқ равишда 51,9 ва 53,3% -ни ташкил қилади. Дастлабки ишлов беришсиз 180 мин давомида қуритилганда олма ва анжир намуналаридаги қандлар сақланиши 50,5% ва 56,2%- ни ташкил қилди.

6. Илмий тадқиқот натижалари «Ўзбекизоқовқатхолдинг» АЖ қошидаги «GOLD DRIED FRUITS EXPORT» МЧЖда амалиётга жорий этилди ва иқтисодий самарадорлик 111 435 600 сўмни ташкил этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc. 03/30.12.2019.Т.03.02 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУМАЕВ БОТИР МЕЛИБАЕВИЧ

**ИНТЕНСИФИКАЦИЯ ПРОЦЕССА СУШКИ ПЛОДООВОЩНОЙ
ПРОДУКЦИИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ИНФРАКРАСНОЙ
КОНВЕКТИВНОЙ УСТАНОВКИ**

**02.00.16 – Процессы и аппараты химических технологий и пищевых производств
(технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Т338.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Норкулова Карима Тухтабаевна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мухитдинов Джалалитдин Пахритдинович
доктор технических наук, профессор
Курбонов Жамшед Мажидович
доктор технических наук, профессор


Ведущая организация: Бухарский инженерно-технологический институт


Защита диссертации состоится «9» 12 2020 г. в «15⁰⁰» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №179). (Адрес 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «27» 11 2020 года.
(протокол рассылки № 1 от «19» 11 2020 г.).




Н.Р.Юсубов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик


У.Ф.Мамиров
Учёный секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам


Д.П.Мухитдинов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Производство продукции сельского хозяйства и пищевой промышленности, обеспечение их безопасности является важной задачей мирового масштаба. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию комбинированных сушильных устройств и технологий для качественной сушки фруктов и овощей в таких развитых странах, как США, Франция, Турция, Германия, Украина, Россия. Важно перерабатывать новые виды сырья, расширять ассортимент выпускаемой продукции, обеспечивать экологически чистое состояние, создавать эффективные безотходные технологии.

В мировой практике проводятся научные исследования направленные на совершенствование технологии и установок сушки плодов и овощей с применением горячего воздуха и ИК-лучей. Требования к качеству готового продукта требуют процесса сушки в улучшенных энергосберегающих устройствах с сохранением целебных свойств и биологической ценности фруктов. Для сушки яблок в сверхвысокочастотных (СВЧ) установках обеспечить подачу энергии с ощутимым сокращением, при дальнейшем увеличении мощности технологического процесса.

В нашей Республике достигнуты определенные результаты в глубокой переработке сельскохозяйственной продукции, получение из них полуфабрикатов и готовых к употреблению пищевых продуктов, энерго- и ресурсосберегающих технологий, позволяющих производить высококачественную продукцию. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи, в том числе «...сокращение энерго- и ресурсоёмкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, ...динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора»¹. При выполнении этих задач, важное значение в усовершенствовании технологии сушки имеет объединение сушки в электромагнитном поле ИК диапазона с существующими способами, вести сушку с учётом зависимости температуры и влажности, применение оптимального значения параметров предварительной обработки сырья для сушки, научные исследования, направленные на интенсификацию процесса ИК нагревом и дальнейшим осуществлением конвективной сушки.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года N УП-4947 «О дополнительных мерах по ускорению развития плодоовощной продукции в Республике Узбекистан» от 29 марта 2018 года № ПФ-5388 Указ Президента Республики Узбекистан от 27 апреля 2018 года № ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практической реализации инновационных идей, технологий и проектов» и другие нормативные правовые

¹ Указ Президента Республики Узбекистан 2017 года 7 февраля УП-4947 - О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

